

**ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
2 КУРС ТАЛАБАСИ**

САДОҚАТ МАХСУМОВА

**МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ
МАВЗУСИДАГИ**

КУРС ИШИ

ТОШКЕНТ- 2013 ЙИЛ

РЕЖА:

I. Кириш

II. Асосий қисм

1. Матбуот эркинлиги

1.1. Матбуот эркинлиги ва миллий анъаналар келишуви.

1.2. Сўз ва матбуот эркинлиги

1.3. Мафкура ва ғоя тарғиботчиси

2. Оммавий ахборот воситаларининг умумий асоси

2.1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эркинлиги тарихига назар

2.2. Демократик жамиятда матбуот эркинлиги

2.3. Мукаммал ҳуқуқий таянч

3. Ахборот хавфсизлиги

3.1. Ахборот хавфсизлиги ҳақида

3.2. Ахборот хавфсизлиги манбалари

3.3. Матбуот эркинлиги ва ахборот хавфсизлиги

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш моделининг асосий жиҳатларидан биридир. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда матбуот эркинлиги ва жамиятни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари учун мукаммал ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирги шиддатли давр тезкор ахборот ва янгиликлар талқинига катта эҳтиёж уйғотди. Зеро ҳар бир фуқаро матбуот орқали ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирадики, шу билан бирга фикр ва тафаккур доирасидаги маълум бир ўзгаришларни ҳис этади. Бинобарин, демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг равақ топишида фикрлар устуворлигининг ўрни бекиёс. Жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса хусусида ҳолис ахборот бера олиш эса оммавий ахборот воситаларининг бирламчи вазифасидир. Шу вазифани бажарар экан, газета ва журналлар, радио ва телевидение омма билан ҳокимият ўртасидаги ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини – иқтисодиёт ва маорифдан тортиб, фан ва маданиятга қадар ўз ичига қамраб олади. Бироқ, бу биринчи галда сиёсий муносабатлардан иборат, яъни бу – давлатнинг тўртинчи ҳокимияти зиммасига юклатилган фаолиятларини рўёбга чиқариши ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг халқаро-сиёсий ўлчовлари демакдир.

Оммавий ахборот воситаларининг, хусусан матбуотнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафкурасини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришдаги аҳамияти бекиёс.

“Ахборот асри” дея таъриф берилаётган XXI асрда инсоният ҳаётида ахборот ва унга муносабат тушунчачи тубдан ўзгарди. Дунё мамлакатларининг ривожланганлик даражаси, мавқеи, салоҳияти у ерда

нечоғли ахборотлашган жамият барпо этилганлиги билан белгиланмоқда. Жамиятнинг ахборотлашганлик даражаси демократиянинг устувор кўрсаткичи ҳисобланмоқда.

Бугун оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар ўз касби бўйича ҳуқуқий саводхонликка эгами? Минг таассуф билан айтиш мумкинки, кўпчилик соҳа мутахассислари Асосий қонунимиздаги нормани билиш билан чекланмоқдалар. Қани энди шу билан журналистларимизнинг касб ий ҳуқуқий саводхонлиги юқори даражани қайд этса.! Гоҳида эркинлик сўровчи касбдошларимиз аслида хатони ўзларидан қидирсалар яхши бўлармиди...

Ўзбекистонда матбуотни эркинлаштириш борасида етарли ҳуқуқий асос яратилган бўлса, ҳокимият ва бошқарув тузилмалари фаолиятига холисона, танқидий баҳо бериш, бу соҳада туб бурилиш яшаш учун яна нима қилмоқ даркор?

Мавзунинг долбзарблиги яна шу билан характерланадики, Ҳар қандай жамиятнинг тараққий топишида шахс ва жамиятнинг манфаатларининг мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай мутаносиблик ҳокимият ва омма ўртасидаги ўзаро ишонч билан қўлга киритилади. Ишончни эса матбуот эркинлигини таъминлаган ҳолда шакллантириш мумкин.

Мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти. Матбуот эркинлиги ва ахборот хавфсизлигининг мавжуд ўзига хослиги ва изланишлар объектининги бири сифатида жамият ҳаётидаги аҳамиятини белгилаш мумкин. Тажрибалардан келиб чиқиб турли давлатларда унинг қадри ва мавқеи баландлигини, ўзининг долбзарб аҳамият касб этишини айтишимиз мумкин. Таниқли файласуфлардан бири Плутсер “Матбуот бу давлатни қандайлигини кўрсатиб берувчи ойна” деган эди. Бугун бутун дунё давлатлари ўз шароитларидан келиб чиқиб ўзларининг матбуот эркинликларини таъминлаган. Шу ўринда савол туғилади аслида эркинликнинг ўзи нима? Уни маъноси ҳақида сўз кетганда кўпинча озодлик, ҳар ишда ҳурлик, мустақиллик тушинилади. Ҳар ким ўзини чеклай олса ва ўзлигини топса, эркинликни осонликча қўлга

киритиши мумкин. Инсонлар ҳар бир ҳаракатини ўзлари истаганича бажаришса мана шуни эркинлик деб биладилар. Шу орқали ҳаётини бекаму кўст бўлади деб ўйлайдалар. Дунёга ўзининг донолиги билан танилган Гёте эса бу хусусида куйдаги фикрларни билдирганлар: “Кимки ҳаёт ва эркинлик учун ҳар куни курашса, фақат ўша ҳаёт ва эркинликка муносибдир.

Бекаму кўст яшамоқ учун 9 нарса бўлиши керак:

- фаолиятдан завқланиш учун соғлиқ бўлиши керак
- эҳтиёжларни қондириш учун етврли бойлик
- қийинчиликларга қарши курашиш ва уларни енгиш учун куч-қувват
- гуноҳларни тан олиш ва тавба-тазарру қилиш учун ройиш
- сабр-тоқат
- ўз яқинларидаги эзгуликни кўриш учун меҳр ва ихлос зарур
- муҳаббат
- эътиқод
- умид бўлиши керак.

Шуни ҳам унутмаслик керакки ҳақиқий эркинлик фақат қонунларда бўлиши мумкин”

Матбуот эркинлиги ва ахборот хавфсизлигининг ўзига хос жиҳати шундаки, у бутун жамият учун хизмат қилади.

“Сув солинган идиш синдирилса сув ҳам эркинликка чиқади. Бироқ бу тушунчани инсонга нисбатан қўллаш анча мушкул. Чунки у бир жиҳатдан эркин бўлса иккинчи жиҳатдан муайян ижтимоий муҳит шароитига тобедир.”*

Бугун матбуот эркинлиги ва ахборот хавфсизлиги шубҳасиз, муҳим масалалар сирасига киради. Чунки бир давлатнинг ривожига ёки таназзулига бевосита таъсир этувчи, бир-бирига ўзаро боғлиқ бу икки тушунча айтилишида қандай мавқега эга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

* “Тошкент ҳақиқати” газетаси - “Ахборот хуружларининг вазифаси нима?”

**Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай
иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам дахшатлироқдир.**

Ислом КАРИМОВ

Матбуот эркинлиги —сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият юритишини, кишиларнинг матбуотда ўз фикр ва туйғуларини тўсиқларсиз ифода эта олишни ифодалайди. Матбуот эркинлиги матбуотнинг моҳиятини, жамият ҳаётидаги ўрнини белгилайди. Сиёсий жиҳатдан матбуот эркинлигига демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. “Эркинлик” сўзининг туб маъноси ҳар қандай тўсиқ, монелик ва шу кабилардан ҳоли бўлиши керак. Мустақиллик, озодлик маъноларини ҳам беради. Аммо аслида эркинлик — англандан заруриятдир: инсон ўз олдига турган тарихий, иқтисодий, сиёсий заруратни англаб етгандагина эркин бўлади, эркин фикрлай олади. Матбуот эркинлиги ҳам ана шундай хусусиятга эга, яъни жамият тараққиётига, унинг қонунларига жавоб берувчи матбуотгина эркин бўлади. Жамият тараққиётининг бош масалаларини чуқур тушинган, унга жавоб бера оладиган журналистгина эркиндир.

Матбуот эркинлигининг 3 асоси мавжуд : ижтимоий — сиёсий, иқтисодий, маънавий.

Матбуот эркинлигининг ижтимоий-сиёсий асоси—матбуотнинг қайси ижтимоий борликда, қандай тузумда фаолият кўрсатиши, қайси ижтимоий онгнинг кўриниши эканлиги, қайси мафкура ва ғояларга хизмат қилишидан келиб чиқади. Матбуот эркинлигининг мазкур бош асоси унинг ҳуқуқий имкониятлари билан ифодаланади: ҳар бир жамият, ҳар бир тузум унинг ҳуқуқини белгилар экан, унинг фаолиятни маълум қонунлар, кўрсатмалар, бу борада олиб бориладиган сиёсат билан белгилаб қўяди. Матбуот эркинлигининг иқтисодий асоси эса матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг ким

томонидан, қайси маблағлар эвазига чиқарилиши билан боғлиқ, яъни матбуот кимнинг маблағи эвазига, иқтисодий қўллаши натижасида чиқса, ўша учун эркин бўлади

Матбуот эркинлигининг маънавий асоси – уни чиқараётган шахс, гуруҳ, унда ишловчи журналистларнинг ички дунёси, дунёқараши, эътиқоди билан боғлиқ. Юксак маънавиятли, чуқур эътиқодли, инсоният, жамият олдидаги ўз масъулиятини чуқур англаб олган, умуминсоний ва миллий қадриятларга хизмат қилувчи, эзгуликка интилувчи журналист доимо эркин бўлади. Аксинча, қолоқ, қотиб қолган тушунчалар, ақидалар асосида ва бошқа мақсадлар йўлида хизмат қилувчи журналист ҳеч қачон руҳан эркин бўла олмайди. Матбуот эркинлиги муаммоси матбуот пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлиб, турли жамиятда турлича ҳал этиб келинган. Матбуотнинг илк даври бўлмиш ва якка ҳукмдорлар томонидан чиқарилган авторитар матбуот кенг омма учун эркин бўла олмади. Бу матбуотнинг эгалари бўлган якка ҳукмдорлар манфаатларига зид эди. Шу боис ўша даврларданок матбуотнинг эркин қилиш ҳақидаги талаблар пайдо бўлган. Янги ўсиб келаётган тараққийпарвар кучлар ўзлари учун, ўз фикрларини эркин баён этиш учун матбуот эркинлигини талаб қилдилар. 17—18- асрларда Франция, Англия каби мамлакатларда юз берган инқилобий воқеалар давридаги матбуот эркинлиги учун кураш бунга яққол мисол бўла олади. Англияда яшаб ижод қилган Жозеф Аддисон, Ричард Стил, Францияда Камил Демулин, Жан Пол Марат ва бошқа тараққийпарвар журналистлар ўз асарларида халқ оммасининг фикр ватуйғуларини ифода этиб, матбуот эркинлиги учун курашдилар. Россияда А.С.Пушкин, Н.А.Некрасов, Н.Г.Чернишевский, А.Н.Герсен ва бошқа илғор фикрли, ўз асарларида халқ оммасининг фикр ва туйғуларини ифода этган адиблар, публицистлар сензурага қарши курашдир.

20- аср бошида Туркистонда вужудга келган жадид матбуоти намоёндалари ҳам мустамлакачи чор ҳукуматининг матбуот эркинлиги борасидаги қаттиқ зулмига қарши кураш олиб борган эдилар. Бу

даврда матбуотда фаолият юритиб, публицистика соҳасида ижод қилган Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний ва бошқа зиёлилар ҳам чор Россияси гунурал-губернаторлигининг матбуот эркинлигидан маҳрум қилувчи сиёсатига қарши кескин фикрлар айтган эдилар. “ Ҳозирда ижтимоий калом, матбуот учун берилган хурриятлар тўшак устида, оғзига сув томизилиб турилган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар”,-деб ёзган эди “Тараққий” газетасининг муҳаррири И.Обидов газетанинг биринчи сониди босилган “Биз мусулмонларни хурриятда ҳақлари борми? Йўқ! Қариндошлар, юз марта йўқ!” сарлавҳали публицистик мақоласида.

1917-йил октабр ўзгаришидан кейин ҳукумронликни ўз қўлига олган болшевиклар партияси матбуот эркинлиги масаласига синфий нуқтаи назардан ёндашишни эълон қилди ва бу борада бир ёқлама, синфий-партиявий зўравонликдан иборат сиёсатни ўткази бошлади. Болшевикларнинг буйруғи билан Россия унга қарам бўлган бошқа ўлкаларда ўша давргача мавжуд бўлган барча матбуот нашрлари ёпилди. Босмаҳоналар мусодара қилинди ва уларнинг ўрнига фақат коммунистик партиянинг нашрлари чиқарила бошлади. В.И.Ленин “Г.Мясниковга хат” ва бошқа асарларида матбуот эркинлигини фақат синфий нуқтаи назардангина ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиб берди ва коммунистик таълимотга тўғри келмайдиган ҳар қандай қарашлар, фикрларни матбуотда эълон қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлади. Матбуот “фақат пролетарлар ва кенг меҳнаткаш омма” учунгина эркин деб эълон қилинди. Коммунистик партиянинг ҳар сиёсатга мос тушмайдиган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, миллий, диний ва бошқача қарашлар ман этилди. Матбуот яқка ғоявий ҳукумронлик қўлига айланди.

Кейинчалик, дунёдаги қатор ривожланган мамлакатларда ҳокимият ўзгариб, буржуазия ҳукумронлиги бошлангач, матбуот эркинлиги нисбатан кенгайди. Бу даврда ахборот олиш, тарфатиш яхшиланди, кишиларнинг матбуотдан фойдаланиш имкониятлари анча юқори даражани қайд этмоқда. Умуман олганда, буржуазия матбуоти эркин матбуот номини олди. Бунда маълум

даражада ҳақиқат бор эди. Буржуа ҳукуматлари матбуот ҳақида ўз қонунларида матбуотни ҳамма учун эркин, деб эълон қилдилар. Бу қонун қисман бўлсада амалга ошди. Иқтисодий жиҳатдан имкониятлари бор бўлган шахслар, гуруҳлар учун матбуот нашрлари чиқариш, ахборот йиғиш ва тарқатиш эркинлиги пайдо бўлди. Шу билан бирга матбуотнинг сармояга қарамлиги ҳам ошди. Матбуот эркинлиги, ундан хоҳлаганча фойдаланиш эркинлигига, бойлик орттириш эркинлигига айлана борди. Матбуотда шов-шувли, олди-қочди материалларга, рекламаларга ҳаддан ташқари кенг ўрин берила бошлади.

Ўзбекистонда шўро тузуми даврида матбуотнинг кенг тармоғи юзага келиб, “совет граждaнлари” га қонун йўли билан (СССР Конституцисининг 125-моддаси) матбуот эркинлиги “таъмин этилган” бўлсада, амалда бутун Иттифокда бўлгани каби, бу ерда ҳам журналистлар фаолияти партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасида эди. Матбуотнинг бутун фаолияти коммунистик партия мафкурасига мажбуран хизмат қилдирилди. Фуқароларнинг давлат ҳётида иштирок этиши жараёни анча кучайиб бормоқда. Ва сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида, ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам органлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг ижтимоий назоратини ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг фаоллашувида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада юз берган ўзгаришлар ҳақида сўз борар экан, Мустақиллик тонгида давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт йўлининг беш тамойили, хусусан, унинг бешинчи- бозор муносабатлари шароитига босқичма-босқич ўтиш стратегияси нақадар тўғри танланганини ҳаётнинг ўзи исботлади. Бу стратегияни маънавиятнинг муҳим бўлаги бўлмиш матбуот соҳасига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин.

Бир мамлакат миқёсида оммавий ахборот воситалари соҳасини янги замон талаблари асосида қайта йўлга қўйиш, тараққий этган энг замонавий даражаларга чиқиш, ички ахборот маконини шакллантирган ҳолда дунё ахборот

маконида эмин-эркин жой олиш, юксак ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли асосда ахборот алмашиш борасида ҳамкорликлар ўрнатишдек ғоят муҳим ишларда кўзланган натижаларга эришиш учун ҳам кўп тармоқли, кўп муаммоли соҳани босқичма-босқич ислоҳ қилиш тўғрилигини мамлакатимиз тажрибаси намоён этган ва этмоқда.

Соҳага тааллуқли қандай ислоҳот амалга оширилмасин, улардан кўзланган бош мақсад битта – оммавий ахборот воситаларини том маънода демократлаштириш йўлидан оғишмай олға бориш эди. Шундан келиб чиқиб давлатлаштиришда биз матбуотнинг замонавий дунё анлозалари даражасидаги демократик тамойилларга жавоб берувчи эркинликка олиб чиқиш мезонаридан келиб чиқдик.

Республикамизда жамиятни демократлаштириш жараёнлари 1991 йилнинг 1 сентябридан бошланган деб қабул қилиш тарихий сана сифатида расман тўғри бўлса-да, мазмун – моҳият жиҳатидан у бундан илгарироқ бошланган дейишга тўлиқ асос бор. 1989 йилнинг октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу воқеа республика ижтимоий ҳаётида унутилмас сана сифатида тарих саҳифаларига битилди.

Миллий ўзликни англаш, кундалик ҳаётда эмас, балки ижтимоий – сиёсий ҳаётда она тилида эмин – эркин сўзлаш, она тили орқали миллат шаънини – ғурурини улуғлаш туёғусини шарафлаш имкони туғилди.

XX аср 80 – йилларининг охирида республикамизда миллий ўзликни англаш ва шунга пойдевор бўлиб, хизмат қилувчи руҳий кўтарилиш юз берди. Тарихга, тилга, миллий-маданий меросга эътибор кучайди. Диний эътиқод эркинлашди. 1990 йилнинг январидан “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари чиқа бошлади, июнь ойида эса Республикада Президентлик бошқарувининг жорий этилиши “Ўзимизнинг президент” деган тушунчани айта олиш имконини берди. Ва ниҳоят 1991 йилнинг 14 июнида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Жамиятда кечаётган янгиликлар оммавий ахборот воситалари соҳасига ҳам таъсир этди, албатта. Биринчи навбатда нашрлар сони ортди. Матбуотни

назорат қилувчи цензура хизмати ўз таъсирини деярли йўқотди. Давлат идоралари, маҳаллий раҳбарий ташкилотлар матбуотга кўз – қулоқлик “вазифаси” ни унутди. Таҳририят жамоаси муассислигида газеталар чиқа бошлади. Бош муҳаррирларни жамоа томонидан сайлаш одат тусига кирди. Янги даврнинг бош аломатларидан яна бири – газеталарда реклама чоп этила бошлади, ундан тушган маблағ таҳририят ҳисобиги ўтди.

Республикаимиз Президенти Каримовнинг 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлис палаталри қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзuidaги маърузаси, хусусан “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ” бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари оммавий ахборот воситалари учун яна муҳим даврни бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида “Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта эркинлигини таъминлашдан оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабат ва позитциясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга тасаввур этамиз” деб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги туб моҳиятини баён этиб бердилар.

Оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситаларидан бўлиб келган. Ўтган давр барча соҳалар сингари Оммавий ахборот воситалари учун ҳам серқирра ривожланиш даври бўлди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг биринчи навбатда соҳанинг ҳуқуқий базасига эътибор қаратилди ва ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш бошланди. Оммавий ахборот воситаларнинг халқаро ҳуқуқий асослари бу инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ўзбекистоннинг халқаро

ташкilotлар ва бошқа давлатлар билан ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномалари ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ахборотни излаш, олиш, тарқатиш жараёнлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи нормалардир. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қуйдаги қонунлар қабул қилинди:

- “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонун (2001 йил 15 январ)
- “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” га Қонун (1997 йил 24 апрел)
- “Журналистика фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун (1997 йил 24 апрел)
- “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги Қонун (2002 йил 12 декабр)
- “Ноширлик фаолияти тўғрисида” ги Қонун (1996 йил 30 август)
- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонун (2006 йил 20 июл)
- “Реклама тўғрисида” ги Қонун (2012 йил 6 январ)
- “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги Қонун (1993 йил 7 май)
- “Телекоммуникациялар тўғрисида” ги Қонун (1999 йил 20 август)

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг мукамал ҳуқуқий асоси яратилганлигини исботлаш учун юқорида келтирган қонунларимиз кифоя қилади, назаримда. Шу жумладан, Конституциямизнинг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндирлар ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди” деб белгилаб қўйилгани оммавий ахборот воситаларининг мутлоқ қонуний ва эркин эканлиги кафолатлайди.

Ушбу конституциявий қоида оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгилиниши жараёнида мислсиз аҳамиятга эга.

Мазкур моддада учта муҳим принцип, яъни оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган.

Оммавий ахборот воситалари ахборотни пзлаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Демократик давлатларда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, уларнинг фаолият кўрсатиши шароитларини таъминлаш билан бирга, бу эркинликларнинг сиистеъмол қилинишига йўл қўйилмайди.

Ушбу қоидага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонуннинг 7-моддасида “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матн ўзгартирилиши ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” деб белгилаб қўйилган.

Соҳага доир қонуннинг қабул қилиниши ватанимиз журналистлари ҳаётида қонунда зикр этилган мутлақо янги давр бошланаётганидан далолат эди. Қонунда Ўзбекистонда цензура расман бекор қилинди. Бош ҳужжатимизнинг 29 моддасид фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқини, ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ҳуқуқини берган бўлса, “ Оммавий ахборот воситалари ” деб номланган, 15 бобида ” Цензурага йўл қўйилмайди.” деган жумла Ўзбекистон мутбуоти ва журналистикаси энг тараққий этган мамлакатлар, улар эришган. Тўғри, гарчи Конституция ва қонунда зикр этилган мазкур бандлар ҳаётда бирданига амалга ошиб қолмади. Лекин улар эркинлаштиришга ҳуқуқий замин яратди.

Оммавий ахборот воситалари соҳасида номарказлаштириш ҳаракатлари бошланиб кетгани ҳам демократлашув сари қўйилган илк қадам эди. 1994 йили вилоят, туман ва шаҳар газеталари Давлат матбуот қўмитаси тасарруфидан чиқарилди. Нашрларга раҳбарлик қилиш маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда бевосита муассислар ихтиёрига ўтди. Натижада маҳаллий

газеталарнинг сони кўпайди. Муҳими бу газеталарнинг сони кўпайди. Муҳими, маҳаллий газеталар энди ўзларини республика газеталарига нисбатан иккинчи ё учинчи даражали нашрлар деб эмас, балки тўлақонли мустақил ижодий фаолият юритаётган нашрлар деб ҳис эта бошладилар. Бу ҳол маҳаллий журналистлар шунчаки “робкор” ёки “сулкор” эмас, ҳуқуқий, маънавий-маърифий маънода тўлақонли ИЖОДКОР - ЖУРАЛИСТ мақомида қалам тебратишларига ҳам психологик, ҳам амалий замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат кўмитасининг 1992 йилнинг январида Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилиши давримизнинг энг қудратли ва энг таъсирчан ахборот воситасининг эркинлашуви сари жиддий қадам бўлди. Шу йилнинг май ойида Президент И.Каримов “Озодлик” ва “Америка овози” радиолари раҳбарияти вакиллари қабул қилиш, июль ойида Си-Эн-Эндек нуфузли телерадиокомпания (АҚШ) мухбири билан учрашгани, 1993 йилнинг баҳорида Тошкентда “Француз матбуоти панорамаси” ташкил этилишини мустабид матбуотдан мустақил матбуот сари ташланаётган дадил қадам сифатида қайд этиш тўғри бўлади.

Бу каби тадбирлар ҳозир оддий воқеадек туюлиши мумкин, XX асрнинг 90-йилларига қадар эса, бундай ўзгаришлар, учрашувлар ва кўргазмалар лоақал ҳаёлга келтириш ҳам қийин эди.

1994 йилнинг октябр ойида Тошкентда “Республикани ахборотлаштириш ҳамда янги ахборот технологиялари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Шунингдек мамлакат журналистлари ўз фаолиятида эркинлашиш кайфиятининг янги даражаларга олиб чиққани билан аҳамиятлидир. 1995 йилнинг ноябрида Тошкентда “Жамиятни демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ва имкониятлари” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда ғарбий Европа ва Осиё мамлакатларидан келган таниқли мутахассислар иштирок этганининг ўзиёқ ўзбек журналистикаси учун катта воқеа эди. Матбуот

соҳасида, хусусан, шундай мавзуда мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган халқаро тадбир сифатида ушбу анжуман мустақиллик даври ўзбек журналистикаси солномасидан ҳақли ўрин олди.

1996 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасига айлантирилди. Жамғарма Республика оммавий ахборот воситаларида демократлашув муҳитини яратиш, истиқлол мафкураси йўлида ижод қилувчи журналистларни ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, шунингдек бозор иқтисодига ўтиш даврида оммавий ахборот воситаларини турли қийинчиликлардан талофатсиз ўтиб олишларига ёрдам кўрсатиш вазифаларини ўз олдига қўйди. Шунингдек шу йили икки муҳим воқеа рўй берди: биринчиси – Ўзбекистон матбуоти тарихида биринчи марта “Хуррият” газетаси таъсис этилди. Иккинчиси—1997 йилдан республикада биринчи марта Миллий матбуот маркази фаолият юрита бошлади. Мустақил нашрнинг пайдо бўлиши, шунингдек мамлакатда ахборот олиш ва тарқатиш вазифаларини зиммасига олган марказнинг ташкил топиши демократлашув йўлидаги навбатдаги ғалабалар эди.

Журналист кадрларни қайта тайёрлаш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенг тус олди. Ўзбек журналистлари чет элларга бориб тажриба алмашиши, таҳсил олиши одат тусига кирди. 1996 йилнинг апрель ойида Тошкентда “Озод Европа” ва “Озодлик” Америка радиокорпорацияси ваколатхонаси очилгани нафақат матбуот, балки мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фавқулодда воқеа эди.

1997 йилнинг апрель ойида Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази таъсис этилди. Тошкентда бўлиб ўтган “Радио ва телевидение – ахборот маконида ва жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлидаги рақобат ” мавзуидаги конференцияда Ўзбекистон, Германия, Украина, Қирғизистон журналистлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаст Конституцияси 29 моддаси : “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш фақат давлат сири бошқа эркинлиги сирларга таалуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.”

Биз ахборот тушунчасини кўпроқ тнформатика фанида қўллаймиз. Аслида ахборот сўзи қандай маънони англатади. Ахборот (информация) сўзи латинча “informatio” сўзидан олинган бўлиб, тушунтириш, тавсифлаш деган маънони англатади.

Ахборот – инсоннинг сезги органлари орқали қабул қилинадиган барча маълумотлар мажмуи.

Инсон ахборотни уни ўраб турган табиатдан, теваарак атрофдан олади. У яқиндаги ахборотларни сезги органлари орқали олса, узоқдаги ахборотларни турли воситалар орқали олади.

Маълум бир моддий қийматга эга бўлган, кишиларнинг онги, тафаккури, тасаввурига таъсир этадиган у ёки бу кўринишдаги фикрни шакллантиришга хизмат қиладиган ахборотлар мажмуи :

- босма ахборотлар
- даврий нашрлар
- эфирдаги ахборотлар
- интернет тармоғидаги ахборотлар
- бошқа турдаги ахборотлар бўладими уларни ички ва ташқи манбалардан ҳимоя қилиш зарур.

Бу муносабатлар “ахборот хуружи” деган тушунча билан таърифланади. Бундай хуружлардан ахборотларни муҳофаза қилиш учун унинг хавфсизлигини таъминлаш лозим. Шу ўринда савол туғилади: Ахборот хавфсизлиги нима?

Ахборот хавфсизлиги бу – республика ҳудудида мавжуд бўлган давлат органлари, надавлат ташкилотлар, фуқаролар умуман жамиятда истеъмолда бўлган ахборотларнинг эркин ва қонуний айланувини ҳимоя қилиш ва таъминлаш деганидир.

Барча соҳалар сингари ахборот хавфсизлигининг ҳам объекти мавжуд.
Улар:

- * ахборот маҳсулотлари
- * ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш тартиб ва жараёнлари
- * ахборотлар устида амаллар бажарувчи механизмлар
- * фуқароларнинг интеллектуал мулкани ҳимоя қилиш ҳуқуқи

Биламизки, давлат 2 та (ташқи ва ички) функцияни амалга оширади. Худди шундай ахборот хавфсизлиги манбалари ҳам ташқи ва ички манбаларга бўлинади.

Ташқи манбаларга :

- глобал ахборот мониторингини олиб бориш, ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича чет эл давлатлари сиёсатининг амалга оширилиши;
- чет эл махсус ва жосуслик хизматининг фаолияти;
- халқаро террористик гуруҳларнинг жиноий ҳаракатлари;
- табиий офатлар ва фожеалар ҳақидаги ахборотлар киради.

Ички манбаларга :

- сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг ахборот йиғиш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолияти;
- давлат тузилмаларининг ноқонуний ҳаракатлари;
- ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш бўйича белгиланган тартибни бузиш ҳоллари тўғрисидаги ахборотлар киради.

Ўзбекистонда ахборотни тўплаш, жамлаш, қайта ишлаш, узатиш, фойдаланиш ва рухсат этилмаган танишувдан сақлаш, шунингдек, ахборот тизимларини, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ҳамда бошқа

муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонунга мувофиқ белгиланади.

Келинг энди ахборот эркинлигининг асосий принципларига тўхталамиз (“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги қонун 5-модда) :

- * Очиқлик
- * Ошкоралик
- * Ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги
- * Ҳаққонийлик

Ахборот очиқ ва ошкора бўлиши керак, махфий ахборотлар бундан мустасно , албатта. Махфий ахборотларга қуйдагилар кирмайди :

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
- жамоат бирлашмалари
- нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари ;
- экологик
- метеорологик
- демографик
- санитария-эпидемиологик
- фавқулодда ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар ва аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;
- кутубхоналарнинг
- архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиқ фондларидаги мавжуд маълумотлар ;

Давлат органлари ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат

ташкilotлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак. Уни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Хур қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсларга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш :

- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ;
- ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқатилиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш ;
- ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкilotларнинг, фуқароларнинг ўрин ва аҳамиятини белгилайди.

Журналист фаолияти давомида турли тўсиқларга дуч келиши мумкин. Турли синовларни енгиб ўтиш учун эса ўзига бўлган ишонч ва ирода унинг икки қанотига айланмоғи даркор. Ҳар доим ҳам биз ўзимизга керакли маълумотларни осонгина қўлга кирита олмаймиз. Чунки барча ташкилотлар ҳам ўз фаолияти билан қалам аҳлини таништиришни истамайдилар. Бу эса ўз навбатида улар фаолиятига тегишли ахборотларни олишда қийинчиликни келтириб чиқаради.

Агар сўралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар еткиши мумкин бўлса, ахборотни беришни рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак. Махфий ахборот мулкдори, эгаси ахборотни сўраётган шахсларни бу ахборотдан фойдаланиш амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши лозим. Ахборот берилиши қонунга ҳилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек, ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

Энди шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги масаласи ҳақида бир оғиз. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли ахборотни, худди шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга,

сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён ахборот олувчи етказиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Мамлакатимизда ”Кучли давлатдан—кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳаётига татбиқ этилишига эришиш, аввало, фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизни яратиш, мамлакат сиёсий ҳаётида чинакам кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ ва маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш, айниқса, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, ахборот майдонида шакли, адади, кўлами ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, нашрлараро рақобат муҳитини шакллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки ахборот воситалари фуқароларни содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор қилиши, мамлакатда ва дунёда юз бераётган жараёнларга онгли муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириши, мавжуд қонунлар ва ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид бўлган хатти-ҳаракатларни фош этиши, хуллас, жамият ва ҳокимият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташи бир сўз билан айтганда, “тўртинчи ҳокимият” деган номни оқлаши керак. Сирасини айтганда, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокисиз давлат ва жамият

ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларини тасаввур этиш мумкин эмас. Президент И.А.Каримов фуқароларнинг ахборот аохасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш хусусида тўхталиб, ушбу масала “...инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида, айниқса мустақил тараққиёт йўлимизнинг иккинчи босқичида (2001-2010) мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг самарали ва эркин фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос, тегишли қонунлар яратилгани, цензура бекор қилинганига қарамай, уларнинг жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнида тутган ўрни, мавжуд муаммоларни ошқора муҳокама этиш ва ечимини излаб топишдаги фаоллиги сезилмаётир.

Масалан, цензура расман бекор қилинган бўлса-да, лекин ҳамон ўзга кўриниш ва шаклларда намоён бўлаётгани, ахборот воситалари ва журналистлар фаолиятига салбий таъсир этаётгани сир эмас. Чунончи, турли вазирлик, ташкилот ва идоралар фаолияти тўғрисида мақола ёки телерепортаж тайёрлашни мўлжаллаган журналистдан журналистдан ўша муассаса вакиллари томонидан тайёрланган пресс-релизларга (журналистлар учун махсус тайёрланган маълумотнома) таянишни қатъий талаб этиш, мухбирнинг маълумот тўплашга тўсқинлик қилиш ёки турли йўллар билан унга тазйиқ ўтказиш шулар жумласидадир. Ажабланарлиси шундаки, кўпинча мақола, телекўрсатув ёки радиоэшиттириш тайёрлаётган журналист ҳам мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳолисона таҳлил қилиш ҳамда очиқ ташлашга чўчийди.

Аслида, айрим амалдорлар фаолиятидаги ноқонуний хатти-ҳаракат, адолат тамойилларининг бузилиши, ислохотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар давлат раҳбарининг маърузаларида эмас, даставвал матбуот саҳифаларида фош этилмоғи даркор. Бугун эса президент жойларда йўл қўйилаётган адолатсизликлар ҳолатига кескин баҳо

берганидан кейингина шеримард жамиятда кўпайиб қолади. Ваҳоланки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситалари, жамоат фикрининг ўзига хос кўзгуси сифатида, аҳоли турли гуруҳ ва тоифаларнинг кайфияти, талаб-эҳтиёжлари тўғрисида ҳокимият идораларини хабардор қилиши, ўз навбатида, унинг фаолиятида кишиларнинг ҳам ижобий, ҳам танқидий муносабатини билдириб туриши, мавжуд муаммоларни ҳар томонлама ҳолисона ўрганиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этиши лозим.

Ҳар йили 3 май куни бутун дунёда жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади. Бу матбуот эркинлигини асосий принципларига содиқлик, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги даражасини баҳолаш, эркинлигига қилинган тажоввузлардан оммавий ахборот воситаларни ҳимоя қилиш, шунингдек, ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган журналистлар хотирасини эъзозлаш имконини беради. Бу йил Жаҳон матбуот эркинлиги кунини “Ахборот эркинлиги: билиш ҳуқуқи” мавзусига бағишланди. “Ўз фикрини билдириш эркинлиги” инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларациясининг 19-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ҳуқуқларнинг асосийси ҳисобланади. Лекин дунёда бу ҳуқуқнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи ҳукуматлар ва ҳукмронлик қилаётган доиралар мавжуд. Барча ҳукуматлар оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган кишиларни ҳимоя қилишлари шарт. Бундай ҳимоя журналистларга нисбатан жиноят содир этганлар устидан тергов олиб бориш ва уларни суд қолишни кўзда тутиши керак “,- деб таъкидланади. БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг жаҳон матбуоти эркинлиги кунини муносабати билан йўллаган баёнотида: ЮНЕСКО бош конференцияси тавсиясига кўра БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 1993 йил 20-декабрдаги 48/432 қарори билан Жаҳон матбуот эркинлиги кунини таъсис этиб, уни ҳар йили 3-май Виндхук декларацияси қабул қилинган кунда нишонлашни таклиф этди. Виндхук декларацияси бутун дунёнинг эркин, мустақил,

плюралистик матбуотига қаратилган бўлиб, ахборот эркинлиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлигини уқтиради. Виндхук декларациясида эркин матбуот принциплари баён қилинган. 1993 йил 3-май куни Намибиянинг Виндхук шаҳрида ЮНЕСКО нинг мустақил ва плюралистик Африка матбуоти ривожланишига кўмак бериш мавзусидаги семинари ўтказилган. Унда Африка журналистлари эркин матбуот принципларини бир бутун қилиб жамлаб, тарихга Виндхук декларацияси номи билан кирган ҳужжатни яратишди.

“Барчамизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинган қанунлар халқаро ҳуқуқий нормалар билан ўзаро муштарак. Ўз халқининг миллий манфаатларини юксак мақсад деб биладиган матбуотнинг том маънода тўртинчи ҳокимиятга, жамиятимиз орзу – интилишларини идора этадиган бундай тушунчаларни ойдинлаштириш, бошқачқ айтганда “Иш куроллари”ни” созлаб олиш муҳим аҳамиятга эга”*

*Саидов Ҳ. Матбуот миллий манфаатлар ҳимоячиси

ХУЛОСА

Юқорида таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйдаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, эркинлик ғояси такомилнинг ретроспектив таҳлили ба жараён ғоят мураккаб ва зиддиятли тарзда кечгани, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтганини кўрсатади. Унинг ҳар бир босқичида инсониятнинг эркин, фаровон ва адолатли жамият сари интилишлари ўз ифодасини топган. Масалан, антик давр алломаси ва давлат арбоби Солоннинг ислохотчилик фаолияти қулдорлик тизими асосларига зарба бериб, жамият ҳаётида илк қонунчилик негизларининг шаклланиши, эркинлик ва ҳуқуқдорчилик ғояларининг ривож, табақавий тафовутларнинг юмшатилиши, оддий халқ ижтимоий-моддий аҳволининг ўнгиланиши, унинг Юнонистон сиёсий тарихида илк бор давлат бошқарувида бевосита иштирокини таъминлаб, Афина демократиясининг энг гуллаб – яшнаган даври – машҳур давлат арбоби, файласуф ва нотик сифатида танилди.

Иккинчидан, ба даврларда ҳам эркинлик ғояси нафақат жамоа эркинлиги, балки шахс эркинлиги, унинг барча дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиш негизида амалга оширилган

Умумлашма хулоса сифатида айтилса, мустақилликнинг ўтган йиллари даврида Республикада оммавий ахборот воситалари соҳасини ислоҳ қилиш борасида катта довлонлар босиб ўтилди. Буткул ўзгача тизим жорий этилди. Шу билан бирга босқичдан-босқичга ўтиш шиддатининг бу қадар тезлиги, биринчидан даврнинг ўзгарувчанлигидан далолат берса, иккинчидан Республикамизда йўлга қўйилган ислохот тизими ва механизмларини давр

талабига ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади. Энг катта янгилик ғоявий-мафкуравий нуқтаи назарнинг ўзгаришида юз берди.

Бизнинг фикримизча, инсон ва фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқлариини таъминлаш соҳасини такомиллаштиришнинг юқоридаги устувор йўналишлари бўйича давлатнинг ахборот функциясини амалга ошириш 21 аср, яъни ахборот асрида мамлакатимизнинг дунёдаги илғор давлатлар қаторида ўзин олишида мкҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон.-2007

Оммавий ахборот воситалари тўғрисида – Т.: Ўзбекистон – 2007

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида – Т.: Ўзбекистон – 2002

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида – Т.: Ўзбекистон – 1997

II Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.каримов асарлари

Каримов И. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж – Т.: Ўзбекистон. – 1996

Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь

III Халқаро ҳужжатлар

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияст. - .Т:1998

ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари

IV Соҳага доир адабиётлар

Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналстикаси тарихи – Т.:Ғ.Ғулом
номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи – 2009

Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари - Т .:
Янги аср авлоди – 2007

Маматов Х. Ахборот ҳуқуқи, унинг тушунчаси ва юридик моҳияти
// Ҳуқуқ ва бурч. - .Т: - 2007.-№10-11.-Б. 100-101

Саидов Ҳ. Матбуот миллий манфаатлар ҳимоячиси – Т.: Маънавият
- 2008